

ДЕҲҚОН ДАЛАСИ БИЛАН ҲАМНАФАС

Бу йилги баҳор анчагина ташвишли бошланди. Коронавирус пандемияси бутун дунё, шу жумладан, юртимиз аҳолисини ҳам ўзига хос синовдан ўтказмоқда. Бугун барча унга қарши курашишга чоғланган. Унинг кенг тарқаб кетишининг олдини олиш чоралари кўриляпти ва улар амалда ўз натижасини берапти. Яхши янгиликлар кўпаймоқда.

Кўклам юмушлари

Ҳаёт давом этяпти. Шу кунларда деҳқонларимиз ҳам далада эртанги кун тараддудини кўряпти. Ахир вақт тўхтаб турмайди-да. Жумладан, Тошкент вилоятида чигит экиш мавсуми корона-вирус пандемияси муносабати билан жорий этилган санитария-эпидемиология қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ташкил этилган.

Мавсумда иштирок этаётган киши-лар тиббий ниқоб ва кўлқоплар, антисептик воситалар билан тўлиқ таъминланган. Кимдир чигит қадаш агрегатига қопдаги барака уругини жойлаётган бўлса, бошқаси иккинчи идишга маъданли ўғит солмоқда. Бошқа бири эса кўлидаги ўлчагичда чигит қадалган эгат чуқурлигини назорат қиляпти.

Бугун вилоятнинг мавжуд 9 та пахтачилик туманидаги 1268 та фермер хўжалиги ва 8 та пахта-тўқимачилик кластерида иш шундай қизғин кечмоқда. Улар жорий мавсумда 73001 гектар майдондан 229 минг 600 тонна пахта хом ашёси йиғиб олишни ният қилганлар.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида"ги қарори кишлоқ мвлклор-

фос, 50 килограммдан карбамид ва 50 килограммдан калий ўғити солиняпти. Бу тadbир гўза ҳосилдорлигининг ошишига олиб келади.

Шу кунгача 135 нафар фермер билан жами 24,760 тонна пахта хом ашёсини эркин нарҳда харид қилиш юзасидан фьючерс шартномалари имзоладик. Айни кунда барча имкониятимиз чигитни ўз вақтида, ернинг табиий намлик даражаси кўтарилмасдан қадашга йўналтирилган.

Мутахассисларимиз ўтган йилда селекционер олимлар томонидан тавсия этилган "ЎзФА-703" супер элита навини синовдан ўтказган эди. Бу йил 70 гектар майдонга шу нав уругини қадашга. Унинг афзаллиги шундаки, у сувни кам талаб қилади, касалликларга чидамли. Бугун мавсум давоми-

33 центнердан ҳосил етиштириш. Шунда Ўрта Чирчиқда 23860 тонна, Янгийўлда эса 5950 тонна пахта хом ашёси йиғиб-териб олинади.

Кластер тизими вилоят пахтачилигида ҳосилдорликни кескин оширишга асос бўлди. Масалан, биргина Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларида бундан икки-уч йил муқаддам бир гектар майдондан атиги 18 центнер ҳосил йиғиб олинган бўлса, янги услуб туфайли ҳосилдорлик 30 центнерга кўтарилди. Бу йил эса натижалар янада юқори, яъни 33 — 35 центнерни ташкил этиши кутилмоқда.

Вилоятда бу йил пахтанинг бир қанча истиқболли навлари ҳам синовдан ўтказиляпти. Бу ҳақда ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Абдужалил Наримонов қуйидаги фикрларни билдирди:

— Олимларимиз томонидан яратилаётган илмий ишланмалар, гўзанинг янги навлари вилоят пахтакорларига қўл келяпти, — дейди у. — Бунга академик Абдумавлон Абдуллаевнинг "Генофонд-2", қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Иззат Қаҳҳоровнинг "Келажак", "ЎзФА-707", "ЎзФА-703", "ЎзФА-710".

“ Кластер тизими вилоят пахтачилигида ҳосилдорликни кескин оширишга асос бўлди. Масалан, биргина Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларида бундан икки-уч йил муқаддам бир гектар майдондан атиги 18 центнер ҳосил йиғиб олинган бўлса, янги услуб туфайли ҳосилдорлик 30 центнерга кўтарилди. Бу йил эса натижалар янада юқори, яъни 33 — 35 центнерни ташкил этиши кутилмоқда. ”

